

“Обод қишлоқ” ликларнинг кўнгли обод бўлди

Муҳтожларни қўллаб-қувватлаш, ночорларга меҳр-оқибат, саховат кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидан.

Юртбошимизнинг “Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эҳтиёжманд оилалар қалбига қувонч, шукроналик туйғуларини олиб кирди.

“Обод қишлоқ” маҳалла фуқаролар йиғинида ижтимоий ҳимояга муҳтож 11 та оиланинг 16 ёшга тўлмаган болалари учун бир марталик моддий маблағлар нақд пул кўринишида тақдим этилди.



Шунингдек ҳудуддаги яна 8 та оиладаги боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақасини олувчи оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган болалари ва ногиронлиги бўлган 16 ёшга тўлмаган болалари учун ажратилган моддий ёрдам пуллари Пенсия жамғармаси томонидан молиялаштирилиб, АТ “Халқ банки” масъуллари томонидан шу кунгача ўз эгаларига етказиб берилган эди.

Холидахон Қорабоевнинг турмуш ўртоғи шу йил вафот этган. Боқувчисини йўқотган, “темир дафтарга” киритилган оилада 2 нафар вояга етмаган фарзанд камол топмоқда. Президентимиз қарорига кўра, уларнинг ҳар иккисига 500 минг сўмдан пул маблағлари берилди. “Кўрсатилаётган бундай меҳр ва ғамхўрлик учун Президентимиздан миннатдормиз”, дейди Холидахон опа тўлқинланиб.

